

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№4- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

28 ноябрь 2018 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб –доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев куйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. ТДСИ академик лицейи фаолиятида ОИМ кафедралари билан вертикал ва горизантал интеграция ҳолати

Маърузачи: ТДСИ академик лицейи директори Ш.А.Мирахимова

2. 2017-2018 ўқув йили ёзги малакавий амалиёт натижалари ва янги ўқув йилидаги режалари

Ахборотчи: Малакавий амалиёт бўйича масъул: Доц. Сафаров М.Т.

3. Стоматология факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тадбирлари

Маърузачи: Факультет декани доцент Шомуродов Қ.Э.

4. Халқаро ҳамкорлик, хорижий турдош илмий-таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи

Ахборотчи: Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи Шакиров Д.С.

5. “Ёш олимлар” кенгашининг фаолияти ва истикбол режалари

Ахборотчи: “Ёш олимлар” кенгаши раиси Тўлаганов Ж.

6. Магистратурада ўқитишни ташкил этиш ҳолати ва келгусидаги вазифалар

Маърузачи: Магистратура бўлими бошлиғи Доц. Ярмухамедов В.А.

7. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

8. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

9. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги биринчи масала: ТДСИ академик лицейи фаолиятида ОИМ кафедралари билан вертикал ва горизантал интеграци ҳолати. **Маърузачи:** ТДСИ академик лицейи директори Ш.А.Мирахимова

ҚАРОР ҚИЛИДИ:

1. Академик лицейда таълим сифатини ошириш, ўқувчиларни халқаро, республика миқёсидаги танловлар, фан олимпиадаларига тайёрлаш мақсадида ҳамкорлик ишлари янада ривожлантирилсин ва мунгазам равишда мониторинги юритилсин.

Масъул –Лицей директори, нчки назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи

Муддат – Донмо

2. Таълим беришнинг янги услуб ва шакллари кўлланида, ўқув адабиётлари ва ўқув услубий қўлланмалар яратишда, шунингдек ўқувчиларнинг ОИМга кириш курашчиларини юқори бўлишига аниқ ҳисса қўшган лицей педагог ходимлари Низом асосида моддий рағбатлантирилсин.

Масъул –Лицей директори

Муддат – Донмо

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги, Молия Вазирлигининг 2018 йил 27 февралдаги 40-сонли “Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (тўлов контракт асосида тушумларнинг фақат тўлов-контракт қисми) ҳисобидан академик лицейлар учун ўқув лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлан материаллари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-қўлланмалари сотиб олиш ҳамда академик лицейларнинг ўқитувчи ва ўқувчиларнинг моддий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги Иизомни тасдиқланг ҳақида”ги қарори асосида академик лицейининг моддий техник базасини ривожлантирилсин.

**Масъул – Академик лицей ишларига масъул раҳбар, лицей директори, режа
молня бўлими, бухгалтерия**

Муддат – Донмо

4. Лицейда таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда иқтидорли ўқувчи-талабаларнинг ютуқлари кенг тарғиб қилинсин ҳамда Низом асосида ТДСИ томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилиб борилсин.

**Масъул – Академик лицей ишларига масъул раҳбар, лицей директори,
режа молня бўлими**

Муддат – Донмо

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги учинчи масала: Стоматология факультетида ўқув услубий ишлар ҳолати ҳамда уни такомиллаштириш чора тadbирлари. Маърузачи: Факультет декани доцент Шомуродов Қ.Э.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ижтимоий фанлар кафедрасидаги иқтисодиёт назарияси фанидан амалий машғулотларни банк ва биржаларда, диншупослик фанлари мадраса, черковларда, Ўзбекистон тарихи фани музейларга ташириш асосида ўтказилсин.

Масъул – Ўқув бўлим бошлиғи, ижтимоий фанлар кафедраси

Муддат – Донмо

2. Кафедраларда мавзулар кетма кетлиги асосида амалий кўникмаларни бажариш учун имкониятлар яратилсин, техник материал базалари такомиллаштирилсин.

Масъул – Ишлар бошқармаси, бухгалтерия

Муддат – Бир ой

3. Тарқатма материаллар презентация, видеофильм, мультимедияларни замонавийлари билан бойитилиб, эскирганларидан воз кечилсин.

Масъул – Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи,

барча кафедра мудирлари

Муддат – Бир ой

4. Дарс жараёнида: маърузалар ўқиш амалий машғулотлар мавзулари билан мутаносиб ҳолда олиб борилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – Донмий

5. Амалий машғулотлар қўшимча янги ўқув услубий материаллар билан бойитилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – Бир ой

6. Талабалар фан ўқув услубий мажмуасида берилган мавзу доирасидан четга чиқман қоллишлари ва ўз устидарида ишлаш жараёнида еъетлашганлиги сабабли қўшимча замонавий адабиётлардан фойдаланишларини ташкил қилинсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – Донмий

8. Талабаларга мажбурий 7-10 бетгача конспектлар (текширилганда мазмунсиз, мустақил иш бажарувида 20-30 вароқли презентация чош этиб қилинлари теширилганда интернет маълумотларига асосланган, мавзудан йироқланган ҳолда ёзилганлиги сабабли) сонини қискартирилсин.

Масъул – Барча кафедра мудирлари

Муддат – Бир ой

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Кўриб чиқилган кун тартибидаги олтинчи масала: Магистратурада ўқитишни ташкил этиш ҳолати ва келгусидаги вазифалар. Маърузачи: Магистратура бўлими бошлиғи Доц. Ярмухамедов Б.Х.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Институтда педагог кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида иқтидорли магистратура битирувчиларини чет элдаги олийгоҳларда PhD дастури бўйича ўқинишга юбориш чоралари кўрилсин.

**Масъул – Магистратура бўлим бошлиғи,
халқаро ҳамкорлик бўлим бошлиғи**

Муддат – Бир ой

2. Мутахассислик кафедралар томонидан соҳага оид янгиликлар, ривожлантириш истикболлари илмий–тадқиқот ва педагогик фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан иқтидорли магистратура талабаларини хорижий олийгоҳлар ва ишлаб чиқариш корхоналарнинг ўқув марказларига сафарбар этилиши ташкил этилсин.

**Масъул – Магистратура бўлим бошлиғи,
мутахассислик кафедра мудирилари**

Муддат – Бир ой

3. Иқтидорли битирувчилар сафидан номзодларни базавий докторантурада фаолиятларни давом эттириш юзасидан чоралар кўрилсин.

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректори,
магистратура бўлим бошлиғи,
мутахассислик кафедра мудирилари**

Муддат – Бир ой

4. Хорижий ҳамкор ОТМ янги магистратура қўшма таълим дастурлари ташкил этилиши таъминлансин.

**Масъул – Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректори,
магистратура бўлим бошлиғи**


Муддат – 2018-2019 ўқув йили якунига қадар

Қарор овозга кўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўқув ишлар ва тарбиявий ишлар бўйича проректор А.М.Хайдаров ва Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор проф.Р.А.Амануллаев зиммасига юклатилсин.

**Институт кенгаши раиси,
профессор**




Ж.А.Ризаев